



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 258 (13.591)

Баҳоси эркин нарҳда

ЯНГИ МАЪНАВИЯТ МАСКАНЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 23 декабрь куни Тошкент шаҳридаги бир қатор ижтимоий объектларга ташриф буюрди.

Президентимиз дастлаб Адиблар хиёбонида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғини халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида боғ ҳудудида Адиблар хиёбони барпо этилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг замонавий биноси билан танишди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносини қуриш ишлари жорий йилнинг июль ойида бошланган эди. Икки қаватли замонавий бионинг биринчи қаватида «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Ёшлар» журналлари таҳририятлари, «Ижод» жамоат фонди, 150 ўринли фаоллар зали жойлашган. Иккинчи қаватда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви мажлиси, турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиладиган битта 50, иккита 30 ўринли заллар ўрин олган. Бионинг ертўла қисмида кутубхона, музей бор.

Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев. Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демакки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез раванж топади.

Президентимиз бино ичидаги хоналарни кўздан кечирди. Ижодкорларга янада қулайлик яратиш, хоналарни зарур жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан тавсиялар берди. Хусусан, Ёзувчилар уюшмаси кутубхонаси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўртасида он-лайн ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Бу Ёзувчилар уюшмасидан туриб Миллий кутубхонадаги китоб фондидан фойдаланиш имконини беради.

Ижодкорлар яратилган шaroит, юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдириб, халқимиз маънавиятини бойитиш, ёш иқтидорларни юзага чиқариш борасида бор куч-гайратини ишга солишларини таъкидлади.

Бўғ ҳудудида жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси таъмирланиб, адабий марказ ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари хиёбонда улуғ адибларимиз ҳайкалларини ўрнатиш, атрофни ободонлаш-

тириш ишларига алоҳида ёндашиш лозимлигини кайд этди.

Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети-га ташриф буюрди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган мазкур университетда уч факультет, ўн иккита кафедра мавжуд.

Ўтган вақт мобайнида ушбу олий таълим муассасасига ажратилган ўқув бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий шaroитлар яратилди. Бугун университетда 1 минг 100 нафар талаба тахсил олмоқда, уларга фан докторлари ва PhD даражасига эга юқори малакали мутахассислардан иборат ўқитувчилар жамоаси дарс бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида мазкур университет бинолари фойдаланишга топширилди.

Университетда таълим жараёни тўлиқ ахборот-коммуникация технологияларига асосланган. Видео-конференция зали, синхрон таржима ва овоз ёзиш хоналари, ахборот-ресурс маркази замонавий технологиялар билан таъминланган. Wi-Fi тармоғига улланган мулоқот масканлари, Алишер Навоий достонларидаги каби қўшқлар ташкил этилган.

Мазкур олийгоҳ юртимиздаги шу йўналишдаги факультетлар учун таянч таълим муассасаси ҳисобланади. Дунёнинг 69 университет ва институтлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз университетда яратилган шaroитларни кўздан кечирди. Ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий асарларининг мультимедиавий лўғатини яратиш, халқимизга етказиш, илмий изланишларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбек тилининг халқаро нуфузини ошириш, ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларга таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатишингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев университет мутахассислари билан суҳбатда.

Университетда ташкил этилган хаттотлик лабораторияси барчада катта қизиқиш уйғотди. Бу Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга оширишга муносиб ҳисса қўиши кайд этилди.

Давлатимиз раҳбари университет ўқитувчиларининг уй-жойи ва ижтимоий шaroитлари билан ҳам қизиқди. Улар учун Тошкент шаҳридан 20 та хонадон ажратиш бўйича топшириқ берди.

Президентимиз пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмасор, Ислон Каримов ва Ғурак кўчалари оралигида бунёд этилаётган "Toshkent City" халқ-

аро ишбилармонлик марказининг такомиллаштирилган лойиҳаси билан танишди.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан юртимизга хорижлик инвесторларни жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун барча шaroит ва қулайликлар яратилаётди. Дунё тажрибасида ишбилармонлар учун умуимий мажмуа сифатида бизнес марказлари яратиш тажрибаси кенг қўлланилади. Бу уларнинг самарали фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Пойтахтимизда барпо этилаётган халқаро ишбилармонлик маркази ҳам замонавий ва қулайлиги жиҳатидан нобой лойиҳа, дея баҳоланмоқда.

Шавкат Мирзиёев жорий йил 28 октябрь куни «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази барпо этилаётган ҳудудда бўлиб, буюртмачи ва қурувчилар олдидан турган вазифалар, ташкилий ва молиявий масалаларни жойида муҳокама қилган, лойиҳаларни янада такомиллаштириш, қурилишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берган эди.

Давлатимиз раҳбари топшириқлар ижроси юзасидан такомиллаштирилган лойиҳаларни яна бир бор кўздан кечирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июлдаги «Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ва пойтахт меҳмонлари учун зарур шарт-шaroитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудидаги объектларни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича дирекция тузилган.

Президентимиз халқаро ишбилармонлик марказининг маъмурий биносидан бўлди. Бу ерда яратилаётган лойиҳалар, иш жараёнини кўздан кечирди.

«Toshkent City» халқаро ишбилармонлик марказининг такомиллаштирилган концепциясига кўра, бино ва иншоотлар турли қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилмоқда. Лойиҳаларни мамлакатимиз ишбилармонлари Хитой, Туркия, Жанубий Корея каби давлатларнинг инвесторлари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Шавкат Мирзиёев қурилишга жалб қилинган инвесторлар билан суҳбатлашди. Уларнинг фикрлари ва ташаббуслари билан қизиқди.

Бугун халқ тилида «шаҳар ичидаги шаҳар», дея эътироф этилаётган марказ қурилиши икки босқичда ақин тўрт йилда якунига етказилади.

Президентимиз «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик марказида қурилаётган бино ва иншоотларнинг бир-бирига уйғун бўлиши, дизайн жиҳатидан бири иккинчисини тўлдариши кераклигини таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Анвар САМАДОВ, Абу Бақир ЎРОЗОВ, ЎЗА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этади.

ЎЗА

МДҲ:

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИНГ ҒОЯТ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 26 декабрь куни Москвада бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг норасмий саммитида иштирок этади.

МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Янги йил арафасидаги навбатдаги учрашуви ортда қолаётган йил якунларини сарҳисоб қилиш ҳамда тузилма доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини бериши баробарида, минтақавий кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама этишга қулай имконият яратди.

Маълумки, 2017 йил мустақил Ўзбекистон тарихида янги давр бўлди. Ўтаётган йил мобайнида нафақат мамлакат ичкарисида, балки унинг ташқи сиёсий фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, МДҲ биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институтидир, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса бизнинг доимий шерикларимиз, қўшнларимиз ва дўстларимиздир.

Жорий йил октябрь ойида Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида баён этилган бу фикрлар Ўзбекистоннинг МДҲ фаолиятига сифат жиҳатидан янги ўсувчанлик бағишлашга бўлган интилишини тасдиқлайди.

Маълумки, бу йўналишда аллақачон аниқ-равшан чора-тадбирлар қўрилган. Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича Амалий ҳаракатлар режаси ("йўл харитаси") ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси миллий координатори мақоми ташқи ишлар вазирлиги ўринбосаридан Бош вазир ўринбосари даражасига кўтарилди. Жорий йилда мамлакатимиз МДҲ Иқтисодий кенгашидаги иштирокини қайта тиклади.

Бундан ташқари, Сочида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда 2020 йилда Ҳамдўстликка раислиқни қабул қилиш ва навбатдаги Саммитни Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканлигини ҳам билдирди.

Истиқбол ҳақида фикр юритилар экан, шу пайтга қадар амалга оширилган ишларни ҳам эсга олиш ўринли бўлади. МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши биринчи мартаба Ўзбекистонда 2017 йил ноябрь ойида ўтказилган алоҳида эътиборга сазовордир. Кун тартиби тузилмага аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга доир 19 та масаладан иборат бўлганди. Унинг якунлари бўйича Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши доирасида эришилган келишувларнинг тўла бажарилишини таъминлаш юзасидан Амалий чоралар режаси ишлаб чиқилди.

Жорий йил август ойида Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган "Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё Ренессанси" мавзусидаги халқаро илмий конференцияда ҳамда ноябрь ойида БМТ шафелигида бўлиб ўтган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг қўлашгани ҳам муҳим воқеа бўлди.

Бундан ташқари, жорий йил март ойида Россия Федерацияси Президентининг халқаро маданий ҳамкорлик бўйича махсус вакили Михаил Швидкой бошчилигида МДҲ аъзо давлатларининг Гуманитар ҳамкорлик давлатлараро жағмафаси делегацияси юртимизга келди.

2017 йили мамлакатимизда МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси, МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорт бўйича Кенгаши ишида иштирок этадиган давлатлар темир йўлидаги "Экспресс" давлатлараро автоматлаштирилган бошқарув тизимини эксплуатация қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича доимий фаолият қўрсатадиган ишчи гуруҳининг 25-йиғилиши, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Гидрометеорология бўйича давлатлараро кенгашининг (ГДК) 29-сессияси, Ҳамдўстлик Электр энергетикаси кенгашининг 51-мажлиси ўтказилди.

Буларнинг барчаси МДҲ доирасида савдо, сармоялар, транспорт, сайёҳлик, таълим ва илм-фан ҳамда хавфсизлик соҳаларидаги кўп қиррали ва самарали ҳамкорлик кўламлини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистоннинг фаоллиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Г. НУРЖОНОВА, «Жаҳон» АА.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасини тинглаб...

Яқунлаётган йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар, катта тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Бу воқеалар аҳоли ҳаётида туб ўзгаришлар ясаб, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳаммадан бўлди. Йил якунлари бўйича давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этгани эса ислохотларнинг бош мақсади – инсон манфаатларини таъминлаш эканини яна бир марта намоён этди.

Давлат раҳбарларининг миллий парламент аъзолари ҳузурида Мурожаатнома билан чиқиши дунё таърибасида мавжуд. Давлат бошқаруvinинг бундай демократик усули бугун Ўзбекистон тарихида ҳам ilk мартаба қўлланилди.

Мурожаатномада мамлакатимизнинг барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари атрофича таҳлил этилди, келгуси вазифалар белгилаб берилди.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш-ни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қонунлар, фармон ва қарорлар, пушта уйланган дастурлар қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қисқа муддатда

161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Мурожаатномада келтирилган бундай рақам ва кўрсаткичлар барчамизга мамнуният ва чеқсиз фахр-ифтихор бағишлайди. Зеро, улар замирида халқимизнинг эзгу орузи – буюк давлатни барпо этиш, авлодларимизга овоз ва обод Ватан қолдириш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмағи яшашига эришиш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси муҳассамдир.

Эришган ютуқларимизнинг омиллари ҳақида гапирганда, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида норезал рақамлар ортдан қувиш, амалга оширмайдиган режаларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта қўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатлар, авваламбор, халқимизга муносиб турмуш шaroити яратиш берилган, уни мустақил тараққиёт йўлининг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир.

Бунини, Мурожаатномада таъкидлаб ўтилгани-

дек, 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этгани, экспорт ҳажми 14,4 фоизга кўпайгани, ташқи савдо айланмасининг изобий сальдои 854 миллион АҚШ долларида етганига қўиш мумкин. Бу, авваламбор, давлатимизнинг оқил ва одил йўлдан бораётгани, халқимизнинг, одамларимизнинг даромади кўпаяётгани, фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берганида ҳам катта маъно муҳассам. 2017 йилда саноат қорхоналарини қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 300 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ўз-ўзидан аёни, тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди.

Мамлакатимизда бу соҳада ҳали ишга солилмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Шу боис тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантирадиган муҳит шакллантирилоқда.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик халқимизнинг қонига бор. Аждодларимиз буюк ипак йўли орқали савдо-сотик ишларини олиб борган. Йиллар ўтиши билан такомиллашиб борган бу соҳа бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан янги босқичда ривожланмоқда. Тадбиркорлар бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этаётди.

Президентимиз таъкидлаганидек, фаол тадбиркор деганда биз рақобатбардод махсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзи ва оиласига, балки бутун жамиятга нафат келтирадиган ишбилармон инсонларни кўз олдимиизга келтирамиз.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилни Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилар эканимиз, келгуси йили фаол тадбиркорлиқни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади, деб қайд этди Мурожаатномада. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар қўрилади.

Юртимиз ишбилармонларининг йилдан-йилга тажрибалари ортиб бормоқда, улар ташқи бозорларни фаол ўзлаштирмоқда. Энди тадбиркорларимиз фаолиятига юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни янада кенгроқ жорий қилиш вақти келди.

Хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба ўрганиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун уларга ҳар томонлама имконият яратиш бериш бўйича изчил чоралар қўрилади. Мамлакатимиз барча соҳаларда тубдан янгиланган қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, инновация – бу келажақ дегани.

ЎЗА

Муносабат

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ ХАЛҚИМИЗ
УЧУН УНУТИЛМАС ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Хусниддин АБДУКАРИМОВ, Чилонзор туманидаги «Бўрижар» жомъе масжиди имом-хатиби:

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида диний мавзуга алоҳида эътибор қаратди.

АҚШдаги «The Washington Times» газетасида чоп этилган Л.Тод Вуднинг «Ўзбекистон диний бағрикенглик қарор тоғлан юрт» сарлавҳали мақоласида ислом динининг моҳиятини тушуниш учун Ўзбекистонга бориш керак дейилган эди. Бу фикрда ҳар томонлама асос бор. Чунки ислоқ шарафати билан қирғизда дунёвий ва диний имлаларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини янада тадқиқ этишга кенг имкониятлар очилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлиғини асраш, динимиз тарихи, улугъ аллоҳлар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Ҳадисшуно аллома Исо Термизийнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги мангу оромгоҳида илмий марказ барпо этилгани, Бухорода Баҳоуддин Нахшбанд ҳазратларининг қадимжолари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузуқ ота мақбараси каби қадимжоларга бўлган эътибор ислом динининг асл моҳияти эзгулик, фақат эзгулик эканидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида буюк алломаларимиз ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, мусулмон ҳуқуқшунослиги, тасавуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича мактаблар ташкил этилганини таъкидлади. Мазкур мактаблар ўрта асрларда етишиб чиққан минглаб олим ула-молар, мутафаккир ва шоирлар, авлиёлар қолдирган илмий ва диний меросни ўрганишга хизмат қилади.

Умиди ТЕШАБОВЕВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари:

– Президентимизнинг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси барчамизда катта қизиқиш уйғотди. Мурожаат чоғида давлатимиз раҳбари хозирги кунда мамлакатимиз китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланаётгани ва улар шу кунга қадар ўлғун ўрганилмаганини таъкидлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси йигирма саккиз мингдан ортиқ нодир ва ноёб фонди билан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида алоҳида нуфузга эга шундай масканлардан ҳисобланади. Бу ерда асраб-авайланаётган XIII-XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон заминидан битилган қўлёзма ва тошбошомалар, XVII-XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган китоблар шулар жумласидир.

Таъкидлаш керакики, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори аҳоли ва ёшларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш, мамлакатлар ўртасида илмий-маърифий алоқаларни мустахкамлаш, кутубхоналар фондидан замон талаби даражасида сақлаш, илмий ва бадиий меросни келгуси авлодга етказишда муҳим ҳужжат бўлди.

Кутубхонамизда 2017 йилнинг илк кунларидан бу борадаги ислохотлар ижроси доирасида қўллаб-таъдирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Корнелий Кекелидзе номидаги Грузия Миллий қўлёзмалар маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзоланиши кутубхона ва фонд ишлари тақомиллаштириш, таърифи алмаштириш, илмий меросни ўрганишга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати, бу учрашувда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига улугъ мутафаккир Алишер Навоийнинг Грузия Миллий қўлёзмалар марказида сақланаётган қўлёзмаларидан фотонусхалар тақдим этилди.

Президентимиз халқимизга қилган ўз мурожаатида таъкидлаганидек, биз дунё ахлини хайратга соладиган ноёб илмий-маънавий меросга эга бўлган халқимиз.

Гулчеҳра ХАМИДОВА, Олмазор туманидаги «Пахта» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида аёллар муаммоларига алоҳида эътибор қаратди.

Туман хотин-қизлар кўмиталари раислари хали ўзининг ишчи ба-жаролмаяпти, тушунмаяпти, оддий аёлларимизнинг дардини бил-маяпти, деб ҳақли равишда танқид остига олди.

Аёллар орасида ўз жонига қасд қилиш муаммоси долзарблигича қолаётгани ҳаммамизга маълум. Шундай экан Хотин-қизлар кўмитаси нега жим? Улар муаммонинг олдини олиш бўйича нима иш қилаётми? Нимага бундай бўлди, ким айбдор, ден бонг уриши керак улар, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарининг бу оташин сўзлари шу юртда яшаётган ҳар бир инсонни уйлантиргани, огоҳ бўлишга, масаллага жиддийроқ қарашга ундагани аниқ. Шахсан мен бу сўзларни телевизор орқали эшитиб, ҳаяжонга тушдим.

Бу муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Хотин-қизлар масаласида йиллар давомида йўл қўйиб келинган камчиликлар туфайли шундай иллат юзага чиқди. Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга қўмақлашиш хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари фаолиятининг асосий мезони бўлиши керак.

Негаки, ўзбек аёли бугун бахтли яшашига ҳақли. Маҳалла фаоллари ҳар бир хонадонга кириб, аёлларнинг дарду ташвишларини тингласа, уларга яхши яшашда қўмақдош бўлса, бундай муаммоларга ўз-ўзидан борман берилади.

Бу борада маҳалламизда анчагина ишларни режалаштирганимиз. Ойлар билан ўтказётган суҳбатларимизда аёлларнинг аҳолидан бохабар бўлишга, муаммосини аниқлаб, бартараф этишга эътибор қаратаётганимиз. Натижада жорий йилда фуқаролар йиғинимизда ажрим-лим мактаблари, оилавий поликлиника, ёпиқ турдаги сузиш хавзаси, шаҳар милиция бўлинмаси, почта ва китоб дўкони, дам олиш масканлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари, велотрассалар барпо этилмоқда.

«Ипотека» акциядорлик тижорат банки кредитлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган уйларнинг бошланғич тўлови умумий сумманинг 25 фоизи миқдориди бўлиб, кредитлар уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдорда йигирма йил муддатга берилмоқда. Етти қаватли бинолар икки ва уч хонали хонадонлардан иборат.

лар сони кескин камайди, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида бу борада бидирган фикрлари бизни ўз ичимизга янада масъулият билан ёндашишга ундади.

Малоҳат МУМИНОВА, уй бекаси:

– Шу пайтгача кўпчилик қатори мен ҳам болам боғчада вақтида овқатланиб, вақтида ухласа бўлди, деб ҳисоблардим. Чунки моддий-техник базаси гариб бўлиб қолган мактабгача таълим муассасасидан, бунинг устига жуда кам машоғу ишлаётган тарбиячилардан ортиқ нимани ҳам кутардим.

Энди фикрим ўзгарди. Президентимиз бошчилигида фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўлган ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамияти эътиборга олинди. Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилгани, соҳа ривожини учун олиб борилаётган ишлар натижаси бунга сабаб бўлди. Бугунги кунда кичик ёшдаги фарзандим Яшнобод туманидаги 405-мактабгача таълим муассасасига боради. Йил бошидан бундан мана шу боғчада ҳам ижобий ўзгаришлар кўп бўлди. Машгулот хоналари таъмирланди. Эски сантехника анжомлари янгисига алмаштирилди. Мени энг қўвонтиргани эса машгулотларга олий маълумотли мутахассисларнинг жалб этилгани бўлди.

Натижа дарров билинди. Илгари бормайман, деб хархаша қиладиган болам, боғча деса югуради. Машгулотлар унинг теварак-атрофга қизиқишини ошириб, билимга меҳрини уйғотмоқда. Расм чизибга, пластилиндан ҳар хил шакллари ясашга уста бўлиб қолган. Нутқи ҳам раво, боғча орасидан эшитган эртақларини бизга айтиб чарчамайди. Ранглар, мева ва सबзавотлар, ҳатто ҳайвонларнинг ҳам ингизча ва русча номларини билиб олган. Биз оналар Президентимизни дуо қиламиз!

Васила ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон давлат санъат музейи директори:

– Янги 2018 йил оstonасида турибмиз. Катта орзу-истаклар билан кутилаган янги йил олдида, албатта, ҳар биримиз ўтган даврни сарҳисоб қилгимиз.

Шу маънода айтганидан бўлса, 2017 йил халқимиз учун тарихий воқеаларга бой бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча соҳаларда бошлаб берган янги ислохотлар ижросини таъминлашда халқимизнинг фаол иштирокига гувоҳ бўлди. Бунда маданий-гуманитар йўналишлар ривожини маданият, санъат, адабиёт ва оммавий ахборот воситалари соҳаларига доир қабул қилинган 12 та муҳим ҳужжат ижроси билан боғлиқ.

Бу жараёнда биргина санъат соҳасини олайлик. Кўкун шаҳар мусикали драма театри, Хоразм вилояти мусикали драма театри, Жиззах вилояти мусикали драма театрининг катта маблагъ ҳисобидан реконструкция қилиниши, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиали ташкил этилиши каби эзгу ишлар аҳолининг санъатдан заъв олиб яшашда, ёшларнинг санъат соҳасидаги билиминин, маънавийтини мустахкамлаш йўлидаги яна бир катта қулайликдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз музейлари қаторида қадимги Кушон давлати, Варошадаги Бухорудодлар, Кувадаги буддавийлик ибодатхонаси, Афросиёб ва Аҳсиқендаги археологик қазилма ишларида топишган ноёб буюмлар каби 98 мингдан ортиқ ашё ва коллекцияни ўзидида мўжассам этган Ўзбекистон давлат санъат музейи моддий-техник базасини янада мустахкамлаш ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратишга кенг йўл очиб берди.

Бугун биз яна бир янги ювқанинг шоҳиди бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев телевидение орқали жонли эфирда Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатнома тақдим қилди. Унда давлатимиз раҳбари халқ манфаати ва фаровон ҳаёти йўлида амалга оширилган ишлар натижаси, унинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди. Бу Мурожаат янги ислохотлар ташаббускори бўлган Президентимизга нисбатан юртдошларимизнинг оқсак ишончини янада оширди.

Давронбек МАХСУДОВ, Тошкент ислом университети Ислам цивилизациясининг ўрганиш ISESCO қафедраси mudiri:

– Президентимиз Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида турли ёт ғоя ва таҳдидларга қарши маърифат билан курашишдек устувор вазифага алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат, жаҳон саҳнида ахборот хуружлари тобора авж олаётган бир пайтда фуқароларимизнинг онгу тафаккурини диний-экстремистик таъжовулардан асраш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласи ҳар қанонгидан-да муҳим аҳамиятга эга.

Сир эмас, бугун муқаддас динимизни сохталаштириш йўли билан турли бузғунчиликлар содир этилмоқда. Шу маънода, соф ислом маърифатини тарғиб қилишда давлат, жамоат ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустахкамлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз қайд этганидек, эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлидаги бирлашиш ислом динининг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилиб, одамлар дунёқарашда терроризм, экстремизм ва диний ақидаларастилка мурасасиз курашни шакллантириш имконини беради.

Юртимиз заминидан етишиб чиққан мутафаккирлар, олим ула-молар қолдирган маънавий мерос бутун инсоният учун бебаҳо мулк ҳисобланади. Таассуфки, бу нодир асарлар хали тўлиқ ўрганилмаган. Ваҳоланки, ушбу китобларда бугунги даврининг долзарб муаммоларига аниқ жавоб топиш мумкин. Ана шундай бебаҳо бойликка эга халқ орасидан ақдипараст, диний оқилларга берилган кимсаларнинг чиқиши ҳақиқатан ҳам адолатдан эмаслигини теран аниқламоқдамиз.

Шу боис Президентимизнинг ушбу йўналишдаги ташаббуслари қутилган натижаларини бериш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Шундангина аҳоли ўртасида бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан натижаларга эришишамиз.

Биз узоқ йиллар ижарада яшаб келгандик, – дейди Муниса Омонова. – Турмуш ўртоғимнинг илмий изланишлари рағбатлантирилганидан хурсандимиз. Янги йи, айниқса, қизларимизнинг қувончига қувонч қўшди.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎЗА мухбири

XXI саҳбаси
аср
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда «Мамлакат иқтисодиёти-нинг стратегик тармоғи: туризмнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг миллий ва халқаро тажрибаси» мавзусида тадбир ўтказилди. Давра суҳба-тида соҳада мавжуд муаммолар ечимини топиш йўллари муҳокама қилинди. Туризмни янада ривожлантириш, воҳа-га келаётган хорижий сайёҳлар оқими-ни кўпайтириш юзасидан фикр алма-шилди.

● Андижон Олимпия захиралари кол-лежида «Биз – тинчлик тарафдоримиз!» шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда спортнинг каратэ, ушу, таэквондо, бокс, самбо, оғир ат-летика, эркин кураш, белбоғли ва мил-лий кураш, ўзбек жанг санъати, кик-боксинг, қиличбозлик сингари 10 дан ортиқ тури бўйича вилоят федерация-лари раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва-киллари, юқори натижаларга эришган спортчилар, вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг тарбия-ланувчилари иштирок этди.

● Пойтахтимиздаги «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги Республика техник ва амалий спорт турлари мар-казида «Биз чемпион» шиори остида «Мега спорт» мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, муҳофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ва қатор ташкилотлар томонидан ёшларни омма-вий спортга жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мусобақада олий талим муассасалари вакиллари спортнинг тех-ник ва амалий турлари бўйича ғолиб-лик учун куч синашди.

● Сирдарё вилояти шаҳар ва туман-лари марказларида 38 турдаги қишлоқ ҳўжалиги, маданий, маиший ва саноат махсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди. Гулистон шаҳрида ташкил этил-ган шундай ярмаркага кунига 2 минг 400 килограмм гўшт, 675 килограмм балик, 19 минг дона туҳум, 32,5 тонна картошка, сабзи, пиёз, шакар, гуруч, ҳўл мева ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари савдога чиқарилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўта-диган 2022 йилги қишки Олимпиада ташкилий кўмитаси ўйинларнинг рас-мий рамзини тақдим этди. Рамз бешта Олимпия халқаси, Beijing-2022 (Пекин-2022) ёзуви, турфа ранглардаги тас-малардан ҳосил қилинган фигурали учувчи тасвиридан иборат.

● Археологлар Афғонистон худудида юздан ортиқ қадимий карвонсаройлар изларини топишди. Бунда Афғонистон ва Америка олимлари худудни ўрганиш учун сунъий йўлдошлар ҳамда дронлар ёрдамида олинган суратлардан фойда-ланган. Шу тариқа аввал маълум бўлма-ган кўпалак янги тарихий обидалар, жум-ладан, XVI-XVII асрларга тегишли 119 та карвонсарой манзили аниқланган.

● «Gate Smart Lock» – инновацион кулфларнинг энг сўнги авлоди бўлиб, ўзида ҳимоя воситаларининг барча ил-ғор функцияларини жамлаган. Ҳажми жиҳатдан оддий эшик кулфларидан фарқланмайдиган ушбу «ақлли кулф»ни синдириш ёки бузиш жуда мушкул. Кулф камера ва микрофон ёрдамида овозли тасвир билан таъминланади ва уй эгасининг смартфонига хабар жўна-тади. Бу билан қутилган ёки қутилма-ган меҳмоннинг кимлигини аниқлаш им-кони яратилади. Бундан ташқари, эшик очик ёки ёпиқ бўлишдан қатъи назар, останада кимдир тўхтаб ёки туриб қолса, уй эгаси ўша заҳотиёқ хабардор қилинади.

● 2014 йилда имзоланган, қиймати 400 миллиард долларлик шартномага мувофиқ «Восточная» номли Россия – Хитой газ қувурининг қурилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Узунлиги 3 минг 400 километрлик мазкур қувур ор-қали келгусида йилга 40 миллиард куб метр газ етказиб берилади.

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК
БЎЛСИН!

Пойтахтимизнинг Сергели туманида янги қурилган уйлар олимлар, тадқиқотчилар, илмий изланувчиларга топширилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси то-монидан тавсия этилган илмий сало-ҳиятга эга, билимли, тадқиқотлар олиб бораётган қирқ нафар ёш олим янги йил арафасида ўз уйларига эга бўлди.

Мамлакатимизнинг барча худудла-рида замонавий ва миллий меъмор-чилик талаблари асосида барпо эти-лаётган янги уйлар имтиёзли равиш-да аҳолига тақдим этилмоқда.

Сергелида қурилаётган бу каби ту-рар жой бинолари шахримиз кўрkingа кўрк қўиши билан бирга, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу туманда қурилаётган уйлар атрофида мактаб-гача таълим муассасалари, умумтаъ-

лим мактаблари, оилавий поликли-ника, ёпиқ турдаги сузиш хавзаси, шаҳар милиция бўлинмаси, почта ва китоб дўкони, дам олиш масканлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари, велотрассалар бар-по этилмоқда.

«Ипотека» акциядорлик тижорат банки кредитлари ҳисобидан фойда-ланишга топширилган уйларнинг бош-ланғич тўлови умумий сумманинг 25 фоизи миқдориди бўлиб, кредитлар уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқ-дорда йигирма йил муддатга берил-моқда. Етти қаватли бинолар икки ва уч хонали хонадонлардан иборат.



Ўзбекистон Фанлар академияси-нинг Физика-техника институти ки-чик илмий ходими Қобилжон Омонов ҳам ана шундай уйга эга бўлган из-ланувчан ёш олимлардан бири. У қўёш элементларини ривожлантириш, фо-тоэлектроника йўналишларида фой-даланиладиган «Янги ярим ўтказгич-ли бирикмалар олиш ва уларни тад-қиқ этиш» мавзусида илмий изланиш-лар олиб бормоқда. Ёш олимнинг

оиласи янги йилни янги, уч хонали, шинам ва кўркем хонадонда кутиб олади.

– Биз узоқ йиллар ижарада яшаб келгандик, – дейди Муниса Омоно-ва. – Турмуш ўртоғимнинг илмий из-ланишлари рағбатлантирилганидан хурсандимиз. Янги йи, айниқса, қиз-ларимизнинг қувончига қувонч қўш-ди.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎЗА мухбири

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини ошириш, оилалар мустаҳкамлигида албатта, нурунийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Кексалар хонадонларимиз кўрки ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият ва аъёналар, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир. Халқимизга хос юксак фазилатлардан бири кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдир. Мамлакатимизда ёши улғу инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Нуруний" жамғармасининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган жорий йил яқунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, "Нуруний" жамғармаси Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари фаоллари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, туман ҳокимликлари, давлат идоралари, ННТ ҳамда ОАВ вакиллари катнашди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кексаларни қўллаб-қувватлаш, қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллигини ошириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўттиди.

Йиғилишда жамғарма томонидан ўтказилаётган маърифий тадбирлар, ижтимоий лоиҳалар мустақиллигимиз, тинч ва фаровон ҳаётимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани, бугунги глобализм даври ёшлар тарбиясига янада ҳушёрлик ва огоҳлик билан ёндашишни, маънавий-маърифий жараёнларда нуруний отахон ва онахонларнинг таърибисини, йўл-йўриқларини, насиҳатларидан унумли фойдаланишни тақозо этаётгани таъкидланди.


Кун тартибда белгиланган масалалар юзасидан "Нуруний" жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Р. Калонновнинг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботи тингланди. "Нуруний" жамғармаси Тошкент шаҳар кенгаши таъдбири комиссияси аъзоси А.Худойберггановнинг жамғарманинг 2017 йил яқунлари бўйича молиявий ҳисоботи иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Пойтахтимизда уруш фахрийлари, меҳнат фронти фахрийларининг саломатликларини тиклаш ва даволанишлари учун тизимли равишда саломатлиқ ишлари олиб борилмоқда. Хозиргача 454 нафар кексалар шифохоналарда даволандилар, сыхатгоҳларда соғлиқларини тиклаш учун 620 та йўлланма олдилар. 9 май – Хотира ва қадрлаш кўни арафасида 375 нафар уруш фахрийлари рағбатлантирилди. Имтиёзли равишда автомашина олиш учун 357 нафар уруш фахрийларига сертификатлар топширилди. 672 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларига Президентимиз совғалари топширилди. 4 нафар уруш фахрийлари уйлари таъмирлашга 67 млн. сўм сарфланди. Йил давомида 1254 нафар уруш фахрийларига, кексалар ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга 128 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Йил давомида ўтказилган байрам ва маънавий тадбирларда 1654 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда нурунийлар катнашдилар.

Хозирда жамғарманинг шаҳар бўлимида 11 та туман бўлимлари 505 та маҳаллада 505 та жамоатчилик марказлари, 128 та ташкилотда эса нуруний жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 2565 нафар фахрийлар сайланган бўлиб, ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

"Нуруний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг жорий йил яқунлари бўйича ҳисоботи юзасидан қарор қабул қилиди.

Зиёда РАСУЛОВА



Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

ТАДБИРКОР – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётини янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш бўлса-да, кичик бизнес субъектларига қўшимча қўллаб-қувватлаш бўлиб қолди.

Бу борада Учтепа тумани прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларини қонуний ҳимоясига қаратилган қонун ижроси юзасидан доимий равишда назорат олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда туман прокуратураси томонидан "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг қафолатлари тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат

томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳар ойда икки мартаба туман мутасадди ташкилотлари масъул ходимлари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, 2017 йил бошидан ҳозиргача қадар туман прокуратурасида "Урикзор" ва "Фарҳод" бозорларида жами 800 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари ва 75 нафар оилавий қорхона раҳбарлари билан учрашувлар ташкиллаштирилиб, уларни қизқитириш қорхоналарида жавоблар берилди ва туман микросида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар жойида ҳал этилди.

Ушбу учрашувларда 28 та тадбиркорлик субъектлари ўз

долзарб муаммолари билан мурожаат этган бўлиб, шундан 25 та тадбиркорлик субъектларининг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 20 та тадбиркорлик субъектларига банкдан 2 млрд. 354 млн. сўмлик кредит ажратишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, прокурор аралашуви билан 20 нафар тадбиркорлик субъектларининг ва вақтинча фаолият юритмаётган 103 та қорхонанинг иш фаолияти тикланган. Бунинг натижасида 425 нафар янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Учтепа тумани прокуратурасига келиб тушган мурожаатлар асосида тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини тиклаш, айбдор назорат қилувчи идора вакилларида қонуний қоралар қўрилган.

Бахтиёр ЮСУПОВ,
Учтепа тумани
прокурори ўринбосари

зиши мумкин бўлган таққиланган восталар, уларнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳоли, ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида тарғиб-ташвиқот ишлари олиб борилиши кучайтирилган.

Шаҳримизда жойлашган "Интернет-кафе" ва "Компьютер клублари"да миллий маънавиятимизга зид бўлган, жангарилик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи лавҳалар, суратлар, сайтлар, фильмлар кўпайганлиги, бу вояга етмаган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг кўпайишига асосий сабаблардан бири бўлаётганлиги, баъзи муассасалар жойлашган бинолар санитария ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермаслигини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи ҳўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида бундай муассасалар иш тартибига ўзгартириш киритилди. Мазкур муассасаларга вояга етмаган ўқувчиларнинг дарс ва кечки вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз киритилиши таъқиқланиши, беҳаёлик, диний экстремизм, миллатчилик, қимор шаклидаги ва маънавиятга зид бўлган мазмундаги диск, веб-сайт, фильм, ўйин, маълумот ва бошқа материаллар муассасанинг компьютер хотирасида бўлмаслиги юзасидан белгиланган талаблар тушунтирилмоқда. Бу борада, туман идоралараро комиссияси, ички ишлар бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда интернет кафе-лар ва клубларда мунтазам рейдлар ўтказилиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ниҳолни парваришламасан унинг атрофида бегона ва зарарли ўсимликлар кўпайиб, охир-оқибат қуриб қолишига сабаб бўлади. Ёшлар тарбияси ҳам ана шундай, уларга ўз вақтида эътибор қаратилмаса, кераксиз ва зарарли одатлардан чекланмаса жиноят қўчасига кириб қолиши ҳеч гап эмас. Шундай экан барчамиз ёшлар тарбиясига, уларни турли иллатлардан асрашда, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳамкорликда иш олиб бораёйлик.

Абдуалим САЛИМОВ

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ: ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилган матбуот анжуманида 2017/2018 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар, олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовларининг яқуний натижалари эълон қилинди.

Давлат тест маркази директори ўринбосари Қаҳрамон Ҳақбердиев, бошқарма бошлиғи Севара Зуфархўжаева маълумотига кўра, республикада бўйича 155 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовлари ўтказилди. Уларда 108 минг 705 ўқувчи иштирок этган.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида 5 июль кунги тест синовлари ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси тизимидаги 10 олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлиб ўтган тест синовларида 7 минг 680 абитуриент катнашган.

2017/2018 ўқув йилида қатор олий таълим муассасаларининг вилоятларда филиаллари, янги таълим йўналишлари очилди. Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Жами 73 олий таълим даргоҳида қабул жараёни амалга оширилди. Уларда 729 минг 950 нафар ёш ўз билимининг синовдан ўтказди. Ўртача ўтиш баллари давлат гранти бўйича 149,8, тўлов-шартнома бўйича 124,4 баллни ташкил этди. Ҳарбий қўмондонлик тавсияномасига эга бўлган 4 минг нафардан ортиқ абитуриент ўқишга тавсия этилди.

Давлат тест маркази масъулари келгуси режалар ҳақида маълум қилди. Бунда асосий эътибор Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 ноябрдаги "Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросига қаратилган.

Мазкур қарор асосида 2018/2019 ўқув йилида бакалаврият йўналишларига қабул учун тест синовларини ўтказиш тартибига бир неча муҳим янгиллик ва ўзгаришлар киритилмоқда. Тест синовлари 1 августдан 15 августга қадар ўтказилади. Кириш тест синовлари натижалари тест синовини ўтказилган куннинг эртасигаёқ Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Тест синовлари сизими катта биноларда бўлиб ўтади. 2018/2019 ўқув йилидан эътиборан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, музика таълим, санъатшунослик, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига тест синовлари жорий этилмайдиган. Давлат тест марказининг ходимлари шундан ташқари 150 нафардан иборат янгиланган тузилма ташкил этилади. Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси тузилади.

Ҳозир қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар билан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Улуғбек АСРОПОВ

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш демократик жамиятнинг устувор вазифалари сирасига киради. Бунда, албатта, жойларда мутасадди ташкилот вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг муҳим аҳамияти бор. Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежида жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича Мирзо Улуғбек туман судьяларининг ёшлар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган навбатдаги ҳуқуқий тарғибот учрашувида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари томонидан таълим муассасалари, маҳаллалар, жамоат жойларида ўтказилаётган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда, – дейди жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди судьяси Фарух Тўраҳўжаев. – Туманимизда 2016 йил 50 нафар вояга етмаган ёшга нисбатан жиноят иши қўриб чиқилган бўлса, 2017 йилда бу рақам сезиларли равишда камайди. Яъни, ҳудудда жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайлида 21 нафар ўспириннинг қилмиши судлар томонидан муҳофаза қилинди.

Аслида битта жиноят ёки ҳуқуқбузарлик бўлса ҳам соғлом муҳит барқарорлиги йўлида курашаётган жамият учун кўп ҳисобланади. Шу маънода, ҳар бир шахс онгли равишда бурч ва мажбуриятларини бажариши, ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши, жиноятчиликка қарши биргаликда курашиши ва энг муҳими ҳуқуқий билимга эга бўлиши даркор.

Тадбирда ёшлар сайёр судларнинг, мутахассислар билан юзма-юз бўладиган савол-жавобларнинг аҳамияти муҳим эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига, уларнинг билим олиши, баркамол бўлиб вояга етишига доимий эътибор қаратилиб келинади. Ўсиб келаётган авлоднинг жиноят кўчасига қириб қолиши, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар ўргатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугун юртимизда ёшлар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликларнинг олдини олиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 15 ноябрь кунги Президентимиз Шавкат Мирзиёев расидаги ўтказилган мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага алоҳида ўтхатиб ўтилди.

Президентимизнинг шу йилнинг 8 август кунги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси доирасида пойтахтимиз туманларида кенг қўллаб-қувватлаш олиб борилмоқда.

Мазкур ҳужжатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш юзасидан вазифалар белгилаб берилган.

Шайхонтоҳур туманида ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш борасида кўплаб ишлар олиб борилаётир.

Жумладан, вояга етмаганлар ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман идоралараро комиссияси томонидан ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда ҳар хил норасмий диний оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Таълим муассасаларида, вояга етмаганларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганлар бўйича туман идоралараро комиссияси, туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва унинг хизмат тизимлари,

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман Кенгаши, туман халқ таълими бўлими тизимлари билан ҳамкорликда профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда тумандаги мактаб, лицей ва коллежларнинг ички тартиб-интизомига амал қилмайдиган ва жиноят содир этган жами 52 та профилактик рўйхатда турадиган ёшлар мавжуд. Таълим муассасаларида бир ойда икки марта давоматни кўтариш, ўқувчиларнинг дарс қолдирилмаслигини таъминлаш мақсадида улар билан олиб борилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ва яққа тартибдаги суҳбатлар яхши самара бермоқда. Бунда туман ички ишлар бошқармаси, таълим муассасалари

ёшлар томонидан жиноят содир этилиши 20 фоизга камайди.

Ёшлар ва вояга етмаганларни ватанпарварлик руҳида, соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш мақсадида маҳаллалар ва таълим муассасаларида анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилмоқда. Вояга етмаганларни турли диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг салбий оқибатлари, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган "Биз гиёҳвандликка қарши курашамиз", "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Ёшлар тарбиясига эътибор

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

ри ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорликда иш олиб бораётир. Тумандаги 9 та касб-ҳунар коллежи ҳамда иккита академик лицейга туман ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик профилактика гуруҳи инспекторлари бириктирилган.

– Ходимларимиз эрталаб соат саккиздан то дарс тугагунга қадар таълим муассасасида бўлишди, – дейди Шайхонтоҳур туман ИИБ Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик профилактика гуруҳи инспектори, капитан Шарофжон Юсупов. – Ўқувчиларнинг таълим муассасасига келиши, ўзи билан нима олиб келмоқда, дарсга ўз вақтида келяптими, кийиниши, юриш-туриши, барчасини назорат қилади. Тумандаги мактаб, лицей ва коллежларнинг раҳбарлари билан доимий алоқада, зарур ҳолларда тезда етиб бориб, керакли ёрдамни кўрсатамиз. Шунингдек, туманимизда 107 та 30 ёшга тўлмаган, жиноят содир этган ёшлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда улар билан ҳам суҳбатлар ўтказилмоқда, бандлиги ва юриш-туриши доимий назоратда. Шу боис ҳам ўтган йилга қараганда

Шунингдек, туманда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидаларастликнинг олдини олиш бўйича "Огоҳлик – давр талаби" мавзуларида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш, ўқувчиларнинг давоматини мунтазам назорат қилиш, битумчиларнинг иш билан таъминланиши, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари асосида ташкил этиш, ўқувчилар онгига умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимнинг мажбурийлигини сингдиришга доир чора-тадбирлар мунтазам олиб борилмоқда.

Таълим муассасаси педагог-ҳодимлари ва ўқувчиларнинг кийиниш маданиятига риоя этиши, таълим муассасасининг ички-тартиб қоидаларига амал қилиниши доимий равишда ўрганиб борилмоқда. Туман комиссияси, ички ишлар бошқармаси, тиббиёт бирлашмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши билан ҳамкорликда, инсон ҳаётига хавф етқа-

Спорт янгиликлари

SEKTOR



МУХЛИСЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон футбол федерацияси юртимизда футболни янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

Бунда футболнинг оммавийлигини ошириш ҳамда мухлислар билан ишлашни таъминлаштириш орқали стадионларимизга ишқибозлар ташрифини кўпайтириш асосий мақсад қилиб олинган.

Қайд этиш жоизки, айни дамда халқ ва ишқибозлар билан мулоқот кўприкларини янада кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Эндиликда "GoUzbekistan" лойиҳаси муаллифи Фазлиддин

Ҳожимухаммедов ЎФФнинг мухлислар билан ишлаш бўлимида айнан мана шундай йўналишда фаолият олиб боради. У юртимизда мухлислик маданиятини янада шакллантириш, мухлисларнинг стадионларга ташрифини ортириш, уларни қийнаётган жихатларни бартараф этиш ҳамда ишқибозларнинг талаб ва истакларини ЎФФ раҳбариятига етказишда асосий кўрик вазифасини ўтаб беради.

Тез орада ҳар бир профессионал клуб мухлислар жамоалари аъзолари ҳамда етакчилари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг талаб ва истакларини янада батафсилроқ ўрганиб чиқиш режалаштирилмоқда. Шу мақсадда дастлаб Тошкент шаҳри клублари, кейин Фарғона водийси ва бошқа ҳудуд шарафини ҳимоя қиладиган клублар мухлислари етакчилари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

МУСОБАҚАЛАРДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Қаршининг "Насаф" жамоаси 2018 йилги Осиё чемпионлар лигаси футбол турниридаги иштирокини Иорданиянинг "Ал-Файсали" жамоасига қарши плей-офф босқичидан бошлайди.

Клуб расмий сайтининг тарқатган хабарларидан шунинг англаш мумкинки, кейинги пайтларда "Ал-Файсали" клуби айрим муаммоларга дуч келмоқда.

Жамоа Иордания кубогини ярим финалида "Ал-Жазира" футболчиларига имкониятни бой берди ва финалга чиқа олмади. Дастлабки учрашувдаги мағлубиятдан сўнг жамоани шу йилнинг сентябрь ойида қабул қилиб олган хорватиялик мураббийи Драган Талажич ўз истеъфосини эълон қилди.

Бугунги хабар эса ҳаммасидан ўтиб тушди. ФИФАдан клуб номига келган расмий хатта кўра, жамоанинг турт нафар етакчи йўналишига, бир йил муддатга (2017 йил 14 августдан 2018 йил 14 августгача) ҳар қандай футбол учрашувидан майдонга тушишига таъқиқ қўйилди. Булар Мовтас Есин, Баха Абдул Раҳмон Иброҳим, Иброҳим Дледум Заваҳра ва ливиялик легионер футболчи Акрам Зваиларидир.

Ботир ХҲЖАЕВ

ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Халқаро велосипедчилар иттифоқи (UCI) президенти Давид Лаппартен ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси (ACC) президенти Усама Аҳмад Абдуллоҳ ал-Шафар бошчилигидаги делегация мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раҳбарлари делегация вакиллари билан учрашди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Миллий олимпия қўмитаси раиси А.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун яратилаётган зарур шарт-шароитлар жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустақкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда велоспортни жадал ривожлантириш, маҳоратли велоспортчиларни тарбиялаш, уларнинг профессионал маҳорати ва тайёргарлигини мунтазам юксалтириб боришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини муносиб тайёрлаш тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистонда спортни изчил ривожлантириш, жумладан, велоспортга катта эътибор қаратилаётгани эътиборга моликдир, — деди Д.Лаппартен. — Учрашув давомида мамлакатимизда мазкур спортни ҳар томонлама тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар хусусида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлди. Халқаро велосипедчилар иттифоқи ва Ўзбекистон велосипед спорти конфедерацияси ўртасида ҳамкорликни янада мустақамлаш мунтазам мазкур спорт турини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Учрашувда велоспортни аҳоли ўртасида оммалаштириш, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш, ёшлар, айниқса, қизлар ўртасида мазкур спорт турини янада ривожлантириш мақсадида улар-

ни халқаро ареналарга олиб чиқиш, юртимизда нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича келишиб олинди.

Мазкур спорт тури бўйича 2018 йил Тошкент велотрекида Осиё кубогини, 2019 йил шоссе йўналиши бўйича Осиё чемпионатини ўтказиш, велоспортнинг Олимпия тури ҳисобланган "BMX" ва "Маунтбайк" йўналишларида спортчи ва мураббийларнинг тажрибасини ошириш мақсадида Тошкент вилояти ҳудудида мазкур турлар учун спорт комплексини (велодром) қуришда амалий ёрдам бериш, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Чорвоқ" эркин туристик зонасини яратиш тўғрисидаги қарорга асосланган ҳолда мазкур ҳудудда "Tour de Charvak Lake" халқаро велопойгаси ўтказилишини ташкил этиш бўйича фикр алмашилди.

Велоспорт турига кўрсатилаётган эътибор самарасида "Tashkent City" минтақавий велосипед клубига асос солинди. Халқаро велосипедчилар иттифоқи ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси янгидан ташкил этилган "Tashkent City" минтақавий велосипед клубининг халқаро турнир ва Гран-приларда қатнашишида моддий-техник кўмак ҳамда амалий ёрдам бериши таъкидланди.

Бунинг натижасида "Tashkent City" минтақавий велосипед клуби 2018 йил дунёнинг саккизта давлатида шоссе ва трек йўналишлари бўйича бўлиб ўтадиган 14 нуфузли мусобақада қатнашадиган бўлди.

Халқаро велосипедчилар иттифоқи, Осиё велосипед спорти конфедерацияси ва Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси ўртасида меморандум имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раиси Т.Норбоева иштирок этди.

Жавохир ТОШҲҲЖАЕВ,

ЎЗА мухбири

Ёшларга китобни мажбур қилиб ўқитиб бўлмайди. Чунки китобга қизиқтиришнинг ўзига хос йўл-йўриқлари бор. Масалан, рағбат. Рағбат катта бўлса яна ҳам яхши. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган "Ёш китобхон" кўрик-танловининг ғолиби эса Spark автомобилига эга бўлади.

КИТОБХОН ЁШЛАР КЎПАЙИШИ КЕРАК

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда 14-19 ва 20-30 ёшгача бўлган ёш китобхонлар қатнашди.

Иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий билими, маънавий-маърифий, тарихий асарлар, бадий китобларнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги шарҳлари, ўзлари танлаган адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти бўйича тақдиротларини таникли адабиётшунос ва ижодкорлар баҳолаб борди.

— Дуч келганини эмас, балки саралаб, бадий савияси юқори бўлган китобни ўқиган маъқул, — дейди ЎЗА мухбирига танлов қатнашчиларидан бири, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Дилнавож Мажидова. — Мутлоани шунчалик қилмай, янги маълумотлар, доно фикр-мулоҳазаларни ён дафтарчамга тушириб бораман. Яхши асарларни такрор-такрор ўқийман.

Танловда энг яхши натижа кўрсатган икки нафар ёш китобхон мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Малоҳат ХУСАНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматида мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги МАЪЛУМОТ

№	Ташкилот номи	Лавозими	Манзили ва қадрлар бўлими телефон рақами	Ойлик маоши	Лавозим маошларига қўшимча ҳақ
1	М.Узбек тумани молия бўлими	бош юриконсулт	М.Узбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 122-йў, 269-01-07, 268-51-89, қадр. 233-49-92	8-райд 1.118.872 сўм	
2	Миробод тумани молия бўлими	бош юриконсулт	Миробод тумани, Пушков кўчаси, 18-йў, 233-15-46, 233-55-47, қадр. 233-49-92	8-райд 1.118.872 сўм	
3	Бектемир тумани молия бўлими	бош юриконсулт	Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 92-йў, 295-13-24, 295-02-79, 295-29-14, 295-28-59, қадр. 233-49-92	8-райд 1.118.872 сўм	
4	Юнусов тумани молия бўлими	бош юриконсулт	Юнусов тумани, Осиё кўчаси, 72-йў, 234-11-47, 268-51-89, 234-54-42	8-райд 1.118.872 сўм	
5	Бектемир тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими	бош юриконсулт	Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 51-йў, 250-79-96, 250-78-92	8-райд 1.118.872 сўм	— Давлат хизматини ўқув кўрсаткичи бўлими ҳақ 20%
6	Сергели тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими	юрисконсулт	Сергели тумани, Спутник-16, Кўрготте кўчаси, 16-йў, 257-58-71	9-райд 1.032.820 сўм	— Мартаб даражасига қўшимча ҳақ 15% - 18%
7	Мирпо Улутбек тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими	юрисконсулт	Мирпо Улутбек тумани, Янғи Гўлом кўчаси, 38-йў, 233-17-23	9-райд 1.032.820 сўм	
8	Тошкент темир йўли транспорт мулкчиларига институт	юрисконсулт	Миробод тумани, Тенгиз йўли 1-тор кўчаси, 1-йў, 299-00-20, 299-00-01, 299-02-01	8-райд 799.000 сўм	— Ушқ маъмул хизмат кўрсаткичи бўлими ҳақ 5% - 30%
9	Тошкент молия институт	юрисконсулт	Юнусов тумани, А.Темур шох кўчаси, 60-йў, 235-23-34, 234-55-37, 234-66-58	14-райд 1.187.250 сўм	
10	Тошкент шаҳар Сотавон суди бош бошқармаси	бош юриконсулт	Янқов тумани, Махмутов кўчаси, 2-йў, 233-28-56, 233-95-00, 289-40-90	16-райд 1.124.000 сўм	— Давлат органи ва ташкилоти фойдаланиш судига ва суд тартибидан уларнинг сумманинг 5% миқдоридир
11	Шаҳар бошқаруви руҳий асб қасаласидаги маркази	юрисконсулт	Жаҳангир кўчаси, 2-йў, 295-19-21, 291-59-64	8-райд 737.829 сўм	
12	Шаҳар судмедэкспертиза бюроси	юрисконсулт	Олмазор тумани, Шафокорлар кўчаси, 27-йў, 147-11-93, 147-11-89 қадр	590.000 сўм	
13	8-сонли тери-танасал касалликлар диспансери	юрисконсулт	Зоиқон 1-тор кўчаси, 8-йў, 291-47-80	8-райд 678.802 сўм	— Ходимнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган иш бериш томонидан бериладиган қўшимча ҳақ
14	Тошкент Тиббиёт академияси бериш клиникаси	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, Шафокорлар кўчаси, 2-йў, 214-51-01, 214-50-81, 150-07-50, 150-96-85	694.956 сўм	
15	Ўзбекистон Республикаси Музофав асосини Капитал қурилиш ва фойдаланиш бошқармаси	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-йў, 291-61-28, 260-40-03	1 ставка	
16	Ўзбекистон Музофав асосини Харбий автомобиль ташкили инспекцияси	юрисконсулт	М.Узбек тумани, М.Узбек кўчаси, 100, 262-04-27	1 ставка	
17	ЎР Музофав асосини Ташкилот сифатларига бош бошқармаси	юрисконсулт	М.Узбек тумани, М.Узбек кўчаси, 100, 262-04-27	1 ставка	

18	ЎР Музофав асосини Фрогт орти бош бошқармаси	юрисконсулт	М.Узбек тумани, М.Узбек кўчаси, 100, 262-06-08, 262-04-27	1 ставка	
19	Давлат солиқ қўмитаси республика ахборот маъмул маркази ДУК	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-йў, 244-44-13, 244-44-17	9-райд 748.426 сўм	
20	Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси	юрисконсулт	Миробод тумани, Ислам Каримов кўчаси, 6-йў, 212-62-52, 212-62-72	14-райд 1.127.888 сўм	
21	"Сувкоз" ДУК	юрисконсулт	Миробод тумани, Филолов кўчаси, 2-йў, 252-19-37, 252-19-55, 252-19-36	9-райд 1.111.978 сўм	
22	"Тошкент халқаро аэропорти" ДУК	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, Қумарик кўчаси, 13 140-29-73, 140-29-11	11-райд 1.682.753 сўм	
23	"Тошкент халқаро аэропорти" ДУК	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, Қумарик кўчаси, 13 140-29-73, 140-29-11	11-райд 1.682.753 сўм	
24	Дори воситалари экспертиза ва стандартлаштириш давлат маркази	юрисконсулт	Олмазор тумани, Оғоз кўчаси, 16-йў, 242-48-93, 249-47-93, 242-48-25	12-райд 1.270.691 сўм	
25	"Давлат ахборотини бошқариш маркази" ДУК	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 55-йў, 259-21-51, 239-83-90, 212-14-54	13-райд 1.120.077 сўм	
26	"Давлат ахборотини бошқариш маркази" ДУК	Етавич юриконсулт	Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 55-йў, 259-21-51, 239-83-90, 212-14-54	11-райд 987.452 сўм	
27	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммунал хизматлари ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази	юрисконсулт	Чилонзор тумани, Қирқоғ кўчаси, 10-йў, 277-70-66, 277-89-66, 277-87-73	11-райд 870.000 сўм	
28	Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси	бош юриконсулт	Навоий кўчаси, 2-йў, 241-95-42, 239-15-69	12-райд 1.237.000 сўм	
29	"Тошкент-Агро" иқтисодий-ишловчи бошқармаси	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, 120-86-30	6-райд 1.247.362 сўм	
30	Тошкент шаҳар мактабга таълим бош бошқармаси	юрисконсулт	Мустақиллик шох кўчаси, 69-йў, (90) 939-90-18, 237-10-65	12-райд 915.874 сўм	
31	Бектемир тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Янқов тумани кўчаси, 23-йў, (97) 749-09-54, 237-10-65	9-райд 694.956 сўм	
32	Миробод тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Серикба кўчаси, 24-йў, (90) 913-73-13, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
33	Мирпо Улутбек тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Янқов тумани кўчаси, 4-йў, (93) 527-01-00, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
34	Сергели тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Оби ҳаёт кўчаси, 3-йў, (90) 318-89-87, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
35	Олмазор тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Кичик калла йўли, 19-йў, (97) 733-15-60, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
36	Янқов тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Иттифот кўчаси, 58-хатрий шаҳри, (90) 358-02-22, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	

37	Учтепа тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Учтепа 14-мавзе (98) 302-01-31, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
38	Чилонзор тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Каторгол II-мавзе, 2/1-йў, (91) 166-55-15, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
39	Шайхонтоҳур тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Туркхон кўчаси, (90) 187-23-23, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
40	Юнусов тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Юнусов 13-мавзе, (90) 167-95-27, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
41	Янқов тумани мактабга таълим бўлими	юрисконсулт	Уриқор 2-тор кўчаси, 45-йў, (94) 679-99-00, 237-10-65	9-райд 748.426 сўм	
42	Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси	бош юриконсулт	М.Узбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 69, 237-08-17	12-райд 915.874 сўм	
43	Бектемир тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Билал Нотин кўчаси, 23-йў, 292-87-09	8-райд 694.956 сўм	
44	Миробод тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Миробод дехон боғори даласи, 256-30-09	9-райд 748.426 сўм	
45	Мирпо Улутбек тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Янқов тумани кўчаси, 27-йў, 230-40-82	9-райд 748.426 сўм	
46	Олмазор тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Кичик калла йўли кўчаси, 19-йў, 246-63-67	9-райд 748.426 сўм	
47	Сергели тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Обиҳаёт кўчаси, 3-йў, 258-24-16	9-райд 748.426 сўм	
48	Учтепа тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Учтепа 14-мавзе, 217-28-10	9-райд 748.426 сўм	
49	Чилонзор тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Каторгол II-мавзе, 2/1-йў 278-04-41	9-райд 748.426 сўм	
50	Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Марказ-14, 17-йў, 244-65-03	9-райд 748.426 сўм	
51	Юнусов тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Юнусов 13-мавзе, 224-76-17	9-райд 748.426 сўм	
52	Янқов тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Уриқор 2-тор кўчаси, 45-йў 255-36-87	9-райд 748.426 сўм	
53	Янқов тумани халқ таълими бўлими	юрисконсулт	Иттифот кўчаси, 5-хатрий шаҳри, 298-01-51	9-райд 748.426 сўм	
54	Никонети чекланган шахслар учун иқтисодий-ишловчи республика халқ-қунар колледжи	юрисконсулт	М.Узбек тумани, Оймарик кўчаси, 4-йў, 263-50-31, 263-50-27	11-райд 987.452 сўм	
55	Тошкент шаҳар давлат мулкни ижарага бериш давлат корхонаси	юрисконсулт	Тошкент шаҳри, А.Темур шох кўчаси, 16-йў, 233-12-40, 233-68-37	13-райд 1.120.076 сўм	
56	Тошкент шаҳар Ушқой қўмитаси хизмат кўрсатиш бош бошқармаси	бош юриконсулт	Чилонзор тумани, Т.Шевченко кўчаси, 26-йў, 256-69-19, 256-69-18, 252-42-76	12-райд 1.053.248 сўм	

Тошкент оқшоми

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1235

Душанба,